# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№99 (652)
2022 йил 23 декабрь, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 21-22 декабрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан бормоқда. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 22 декабрь куни бўлиб ўтди.

Шу куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Тошкент шаҳридаги Шайх Хованди Тоҳур ва Тўлабий мақбараларини зиёрат қилди.

Шайх Хованди Тоҳур XIV асрда яшаган олим ва сўфий, Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси бўлган. Инсонларни илм-маърифатга, етакчиларни тинчлик-аҳилликка чорлаган валий зот сифатида халқ хотирасида қолган.

Шайх мақбараси атрофи азиз қадамжога айланган. Хусусан, XVII асрда бу ерга Тўлабий дафн этилган. Қалдирғочбий деб ҳам аталадиган бу инсон қозоқ элининг бош қозиларидан ҳамда «Жети Жарғи» қонунлар тўпламининг тузувчиларидан бири бўлган.

Ёнма-ён жойлашган бу мақбаралар ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бирга яшагани, қардошу ҳамфикр бўлганининг яна бир далолатидир.

Қозоғистон раҳбари мақбаралар тарихи билан танишди, ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Қосим-Жомарт Тоқаев қардош халқларимизнинг умумий тарихий-маданий меросини асраб-авайлашга қаратилаётган эътибор учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик билдирди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради.

Фахрий қоровул бўлинмаси бошлиғи рапорт бергач, давлат раҳбарлари қоровул сафи олдидан ўтиб, ўзбек ҳарбий хизматчиларини қутладилар ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига эҳтиром кўрсатдилар.

Президентлар расмий делегациялар аъзоларини бир-бирига таништирди.

Сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон раҳбари қозоғистонлик ҳамкасби ва кўп миллатли Қозоғистон халқини 16 декабрь куни нишонланган Мустақиллик куни билан самимий табриклади.

Етакчилар ушбу музокаралар Ўзбекистон – Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожига янги кучли суръат бағишлашига ишонч билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг яқин ва ишончли ҳамкори эканини таъкидлади.

– Ўзбек ва қозоқ халқлари – нафақат яқин қўшни, балки муштарак тарихий мерос, маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган қардошлардир. Бу бизнинг бебаҳо бойлигимиз, биз уни қадрлаймиз ва қадрлашда давом этамиз. Бизнинг тақдиримиз бир, келажагимиз ҳам умумий, мен бунга ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, қишлоқ хўжалиги, сув ва бошқа соҳалардаги муносабатларни тубдан кенгайтириш масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишларида сезиларли муваффақиятларга эришилгани таъкидланди. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёнинг барқарор тараққиётини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев музокараларни икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Давлатимиз раҳбари кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигининг барча йўналишларида салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

– Халқларимиз тарихи ва тақдири чамбарчас боғлиқ, биз эту тирноқ бўлиб кетганмиз, долзарб масалаларни биргаликда ҳал қилаяпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шу кунларда Ўзбекистон бўйлаб қозоқ халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Абай Қўнонбоевнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтаётганини мамнуният билан қайд этди.

Бундай тадбирлар халқларимиз бир-бирининг шонли тарихи ва бугунги ҳаётига катта қизиқиш билан қараётганини тасдиқлаб, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Бугун иккита тарихий ҳужжатни имзолаймиз. Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатлари тарихида янги босқич бошлайдиган Иттифоқчилик тўғрисидаги шартномани алоҳида қайд этмоқчиман. Иттифоқчилик – давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори даражаси, ўзаро ишонч белгиси. Шу билан умумий келажагимизни биргаликда қуришга интилишимизни тасдиқлаяпмиз. Давлат чегараларини демаркация қилиш тўғрисидаги шартнома алоқаларимиз мустаҳкамлигидан далолат беради, минтақада тинчлик ва хавфсизлик мақсадларига хизмат қилади. Чегараларимиз доимо дўстлик ва яхши қўшничилик ҳудуди бўлган ва шундай бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистон Президенти икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак даражасини мамнуният билан қайд этди.

– Муштарак тарихга, халқларимизнинг қардошлик ришталарига таяниб, Қозоғистон ва Ўзбекистон мустаҳкам, уйғун муносабатларни йўлга қўйдилар, – деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Қозоғистон етакчиси имзоланадиган шартномалар янги уфқлар очиши ҳамда икки мамлакатнинг янада яқинлашишга муштарак интилишларини тўлиқ ифода этишини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёевга бунёдкорона сиёсати ва Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини таъкидлаб, ушбу ислоҳот Ўзбекистон тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлишига ишонч билдирди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ўзаги иқтисодиёт экани, икки мамлакатнинг улкан салоҳиятидан фойдаланишга эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Хусусан, охирги беш йилда ўзаро савдо ҳажми икки баробардан зиёдга ортди, жорий йил якунида эса беш миллиард долларга яқинлашади. Талаб юқори бўлган маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш орқали яқин йилларда товар айирбошлашни каррасига ошириш мақсадида Бош вазирлар ўринбосарлари бошчилигида ишчи гуруҳ тузиш ва қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

» 2-бет

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**Бугун Қурилиш вазирлигида Туркия уй-жой қурилиш бошқармаси (ТОКИ) бошлиғи Ўмер Булут бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонларни қурилиш вазири Батир Закиров ҳамда вазирнинг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов кутиб олишди.**



Ўзаро самимий руҳда кечган мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ижтимоий-иқтисодий йўналишларда, хусусан, қурилиш соҳасида ҳам кун сайин тараққий этиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бунда ҳар икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

"Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, халқни рози қилиш давлатимиз томонидан юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишидир", дейилди мулоқотда. Ўз ўрнида делегация аъзолари Ўзбекистонда охирги йилларда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ташаббусларни юқори баҳолаб, бу борада ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликларини билдирди. Замонавий архитектура ечимлари асосида қурилиши режалаштирилаётган уй-жойлар учун ҳозирда мулоқотлар давом этмоқда.

Шунингдек, суҳбат давомида қайд этилдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида аввало, сифат ва энерготежамкорлик бирламчи масала бўлиши лозим. Қурилишда иқлим шароити ҳам инобатга олиниши керак. Лойиҳалашда урбанизация жараёнларига эътибор қаратилади. Учрашувда ана шу масалалар иштирокчиларнинг эътибор марказида бўлди. Манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

## Инвесторлар билан учрашув

**Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Гулбаҳор шаҳарчаси ҳудудида "Менинг биринчи уйим" дастури асосида 5 гектар ер майдонига кўп қаватли турар жой биноларини қуриш учун ер майдони танланди ва бу бўйича таклиф киритилди.**

Куни кеча қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли уйларнинг ҳудуди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори Обид Ҳакимов, Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Адилов, Янгийўл тумани ҳокими Улуғбек Ялгашевлар иштирокида туркиялик инвесторлар томонидан ўрганилди.

## Республика Ишчи гуруҳи – ҳудудларда

**Республика Ишчи гуруҳи аъзолари ҳамда Қурилиш вазири ўринбосари Жалол Арашов айни кунларда Наманган вилоятининг айрим туманларида бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила хонадонларига кириб бормоқда. Энг аввало, уларни қийнаётган масалаларга эътибор қаратилиб, хонадонларни таъмирлашда ёрдам кўрсатиляпти.**



Амалий ишлар давомида туманда яшовчи ижтимоий ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган 10 та хонадонда яшовчи фуқароларга уй-жойларида яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 367,0 млн сўм ҳомийлик маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, вазир ўринбосари Косонсой тумани 4-сектор ҳудудида "Обод қишлоқ" дастури асосида фуқароларни турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида ичимлик суви тортилган сув иншоотида ҳам бўлди. 4-сектор ҳудудидаги "Обод қишлоқ" дастури асосида капитал таъмирдан чиққан ҚВП биноси ҳам ўрганилди. 2-сектор ҳудудидаги "Гузар" МФЙ биносининг қурилиш жараёни кўриб чиқилди. Шунингдек, Косонсой тумани 3-сектор ҳудудига кимошди савдоси орқали кам таъминланган фуқаролар учун берилган ер участкаларига кўчалар очиб бериш ҳақидаги мурожаат ҳам мутасаддилар томонидан кўриб, ўрганилиб, жойида бартараф этилди.

Ўрганишлар мобайнида туманнинг "Ёшлик" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Муқаддас Азимовага ҳам уй қуриши учун кўмак кўрсатиладиган бўлди.

## Энди рейтинг баллари жамоатчилик учун очиқ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги "Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-425-сонли қарорининг тегишли банди ижроси юзасидан бугунги кунда қурилиш-пудрат ва лойиҳа-қидирув ташкилотларининг рейтингида мавжуд бўлган корхоналар ҳамда уларнинг рейтингини ҳисоблаш мезонлари кесимидаги баллари тест режимида жамоатчилик учун очиқ эълон қилинди.**

Қурилиш-пудрат ҳамда лойиҳа-қидирув ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://reyting.mc.uz/

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 ноябрдаги 665-сонли қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг 24 ноябрь кунидан объектлар бўйича тендерда ғолиб бўлган ёки тўғридан-тўғри шартнома имзолаган ҳамда ушбу шартнома бўйича ишларни якунламаган, жорий йил мажбуриятларини бажармаган пудрат ташкилоти календарь йил давомида платформа орқали яна бошқа объект бўйича тендерда иштирок этган тақдирда ҳар бир якунланмаган шартнома бўйича унинг рейтингидаги жами балига нисбатан 5 фоиз чегирма қўлланилиш тизими жорий этилди.

Эндиликда пудратчилар қуйидаги ҳавола орқали шахсий кабинетига кириб, бугунги кунга қадар ташкилоти электрон тендер савдоларида қатнашиб, ғолиб бўлган объектлар бўйича маълумотлар билан танишиши мумкин: https://monitoring.mc.uz/home

## Мутахассислар малакасини ошириш муҳим масала

**Қурилиш вазирлигининг тегишли бошқарма, бўлимлари, вазирлик тизимидаги ташкилот масъуллари, шунингдек, лойиҳа институтлари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда Таълим, илм-фан ва инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган буюртмачи хизмати ва инжиниринг компанияларининг техник назорат бўйича мутахассислари малакасини доимий тарзда ошириб бориш тизимини жорий этиш тартиби иштирокчиларга тақдим этилди.

Мавзу юзасидан қизғин ўтган муҳокамада иштирокчилар томонидан берилган саволларга бошқарма бошлиғи Азамиддин Қўлдашев, юридик бўлим бошлиғи Акбар Ражабовлар батафсил тушунтириш бериб ўтдилар.

## БИЛАСИЗМИ?

## Хонадонига қуёш панеллари ўрнатган фуқароларга қандай имтиёзлар бор?

**Сиз бир йилда электр энергияси ёки табиий газ учун қанча ҳақ тўлайсиз? Маблағингизни тежаш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Албатта, бугун бунинг имкони бор. Тасаввур қилинг, сиз икки қаватли ҳовлида яшайсиз ва бир ойда ўртача 800 кВт/соат электр энергияси истеъмол қиласиз. Агар хонадонингизга 5 кВт/соат қувватдаги қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатсангиз, бу сизга ўртача 50 млн сўмга тушади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу харажат тўққиз йилда ўзини қоплайди. Кейинги 11 йил эса электр энергиясидан бепул фойдаланасиз.**



Юртдошларимиздан бири, Рустам Ёдгоров ҳам хонадонидаги шахсий қуёш фотоэлектростанциясида ишлаб чиқарилган яшил энергияни сотишни йўлга қўйган. Ёдгоровлар оиласи бугун ҳам электр энергияси сотиб даромад топмоқда, ҳам энергия ресурслари учун сарфланадиган маблағни иқтисод қиляпти.

Хонадон эгалари ўрнатган қуёш панеллари 6 кВт/соат қувватга эга. Ушбу станция орқали хонадонда йилига 10 минг кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, яшил технологияларни жорий этиш истагидаги аҳоли ёки тадбиркорлар янги тизим ёрдамида имтиёзларга эга бўладилар. Энди ҳар бир ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускунаси учун қувватига қараб, 15 млн сўмгача, сув иситиш қурилмаси учун эса 2 млн сўмгача компенсация тўланади. Ёки ускуна қийматини уч йил ичида фоизсиз, бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қуёш панеллари ва қуёш сув иситиш мосламаларини ўрнатган жисмоний шахслар 3 йил, тадбиркорлик субъектлари эса 10 йил давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (652) 2022 йил 23 декабрь

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН: ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

1-бет

Кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Энди энергетика, автомобилсозлик, кимё, электротехника, қурилиш, логистика ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларга старт берилиши мамнуният билан қайд этилди.

– Ҳозирда лойиҳаси ишлаб чиқилаётган Халқаро саноат кооперацияси маркази янги лойиҳаларни шакллантириш учун муҳим майдон бўлишига ишонаман, – деди давлатимиз раҳбари.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, куни кеча ўтган бизнес-форумда янги инвестиция битимлари ва савдо шартномаларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Яна бир муҳим йўналиш – энергетика. Давлат раҳбарлари энергетика қувватларини модернизация қилиш ва қуриш, геология қидируви ва табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни илгари суришга келишиб олдилар.

Транзит салоҳиятидан фойдаланиш ва уни ошириш ҳамкорликнинг муҳим соҳаларидан бири сифатида қайд этилди.

– Бугун биз юк ташишларнинг барқарор ўсишига эришдик, икки томонлама ва транзит ташишлар учун қулай шароитлар яратишга келишдик. Юк ташиш ҳажмини бир неча баробар ошириш мақсадида транспорт инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни тезлаштиришга аҳдлашиб олдик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентлар парламентлараро мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинувларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

– Олий даражадаги барча келишувлар ижросини мониторинг қилиш учун Парламентлараро кенгаш имкониятларидан фойдаланиш зарур, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентимиз Остона шаҳри марказида буюк ўзбек шоири, давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилингани учун миннатдорлик билдирди.

– Бу умумий тарихимиз ва маданиятимизга катта эҳтиромнинг ёрқин тасдиғи, қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари абадийлиги рамзидир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари умумий маданий-тарихий меросимизни ўрганиш ва оммалаштириш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш, шу мақсадда телевидение, радио ва веб-сайтдан иборат қўшма ахборот ресурсини ташкил этиш, буюк ёзувчи ва шоирларимиз асарларини нашр қилишни таклиф этди.

Музокаралар якунида икки давлат ҳукуматларига эришилган барча келишувлар ижросини қатъий назоратга олиш ва тегишли "йўл харитаси"ни келишиш топширилди.

Ўзбекистон – Қозоғистон саммити якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев тарихий ҳужжатлар – Иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида шартнома ва Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, йирик компаниялари даражасида кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган 15 та ҳужжат қабул қилинди.

"Марказий Осиё" халқаро саноат кооперацияси марказини ташкил этиш тўғрисида, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, 2000 йил 7 июлдаги Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома шулар жумласидан.

Шунингдек, стратегик ислоҳотлар, электрон савдони ривожлантириш, ўрмон хўжалиги, давлат хизмати соҳаларида меморандумлар, Тошкент ва Туркистон, Навоий ва Қизилўрда, Жиззах ва Туркистон вилоятлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид "йўл харита"лари, энергетика, кимё саноати, транспорт ва логистикада лойиҳалар амалга ошириш бўйича битимлар қабул қилинди.

Ташриф доирасида жами 8 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказдилар.

Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари кўп асрлик дўстлик ришталари билан чамбарчас боғлангани таъкидланди.

– Умумий тарихимиз, маданий ва маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бизни бирлаштириб туради. Қозоғистон Ўзбекистон учун энг яқин, ишончли ва давр синовидан ўтган ҳамкордир. Бугунги мураккаб замонда ўзаро муносабатларимиз давлатлараро ҳамкорликнинг намунаси бўла олади, деб ҳеч муболағасиз айтишимиз мумкин, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистон ва Қозоғистон икки томонлама муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва бойитиш, уларга сифат жиҳатидан янги амалий мазмун беришга тайёрлигини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидлади.

Қардош халқларимизнинг туб манфаатларига тўлиқ жавоб берувчи Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари даражасидаги Давлатлараро кенгаш тузилмоқда.

– Бу билан бир-биримизни фаол қўллаб-қувватлашга, замон хатарлари олдида елкама-елка қатъий туришга тайёрлигимизни тасдиқладик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қабул қилинган навбатдаги муҳим ҳужжат – биродар мамлакатларимиз ўртасидаги чегараларнинг ҳуқуқий расмийлаштирилишини тўлиқ якунига етказган Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида шартнома.

– Бу чинакам тарихий воқеа. Ҳеч шубҳасиз, чегараларимиз доимо ҳақиқий дўстлик ва яхши қўшничилик ҳудуди бўлган ва шундай бўлиб қолади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Фаол сиёсий мулоқот туфайли барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилгани, кенг кўламли ҳамкорлик жадал суръат билан ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар ошгани ва беш миллиард долларга яқинлашгани бунинг тасдиғидир.

– Биз учинчи мамлакатларнинг қиммат импорти ўрнини ишлаб чиқарувчиларимиз маҳсулотлари билан тўлдириш орқали бу кўрсаткичларни яқин орада каррасига оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Бош вазирлар ўринбосарлари бошчилигидаги ишчи гуруҳни шакллантириш ва ўрнини босиш режалаштирилаётган маҳсулотларни тизимли етказиб бериш учун қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Анъанавий равишда бир-бирини тўлдириб турган тармоқларда саноат кооперациясини чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Биз, шунингдек, ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун муҳим майдон бўладиган Халқаро саноат кооперацияси марказини барпо этишга киришамиз, – деди Ўзбекистон Президенти.

Музокаралар чоғида энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Энергетика объектларини қуриш ва модернизация қилиш, геология-қидирув ишларини бажариш, табиий газни чуқур қайта ишлаш борасида янги лойиҳалар амалга оширилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шу мақсадда икки мамлакат ҳудудларида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва маҳаллий бозорларга етказиб беришга келишиб олинди.

Кун тартибида транспорт ва логистика масалалари муҳим ўрин эгаллади. Транспорт-транзит салоҳиятини янада ошириш, янги темир ва автомобиль йўлларини қуриш лойиҳаларини фаоллаштириш бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди.

Давлат раҳбарлари трансчегаравий сув ресурсларидан ҳурмат ва ишонч руҳида биргаликда фойдаланиш борасидаги ҳамкорликни давом эттириш ҳамда Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Парламентларнинг роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, қонун чиқарувчи ҳокимият органлари ўртасидаги алоқалар фаоллаштирилади. Келгуси йилда Тошкентда Парламентлараро кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтади.

Президентимиз музокараларда маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта эътибор қаратилганини таъкидлади.

Жорий йилда мамлакатларимиз дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлади. Октябрь ойида Олмаотада "Орол дурдонаси" кўргазмаси, ноябрда Остонада Ўзбекистон маданияти кунлари, декабрь ойида эса Ёшлар конгресси муваффақиятли ўтказилди.

Шу кунларда Ўзбекистонда қозоқ халқининг ардоқли фарзанди Абай Қўнонбоевга бағишланган тадбирлар ўтмоқда.

– Абайнинг ўлмас мероси бугун ҳам минтақамиз халқлари учун, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йилда ҳам маданият кунлари, қўшма кинофестиваллар, таниқли санъаткорларнинг ижод кечаларини ўтказишга келишиб олинди. Бу қардош халқларимизнинг янада яқин бўлишига, умумий тарихий илдизларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Қозоғистон бугунги кунда глобал ўзгаришлар марказига айланиб бораётган минтақамизда тараққиёт ва равнақни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришини таъкидлади.

– Марказий Осиёда кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш умумий барқарор тараққиётнинг кафолатидир, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Ўтказилган музокараларда нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида мамлакатларимиз илгари сураётган ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Умумий манфаатлар мавжудлигини ҳисобга олиб, томонлар БМТ, МДҲ, ШҲТ, ТДТ, ИҲТ, ОҲИЧК доирасида ҳамда "Марказий Осиё плюс" форматидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар.

– Қозоғистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи давомида икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги – стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилгани бизни жуда хурсанд қилади. Муносабатларимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракат ва имкониятларни йўналтирамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев йирик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳаларини бошлаш бўйича тантанали маросимда иштирок этдилар.

Лойиҳалар орасида Навоий вилоятида комплекс ва фосфорли минерал ўғитларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Тошкент вилоятида логистика марказини барпо этиш, Тошкент шаҳрида уй-жой ва тижорат инфратузилмасини қуриш, Қозоғистоннинг Қўстаной шаҳрида автомобиллар ва Қарағанди вилоятида маиший техника ишлаб чиқаришни алоҳида қайд этиш мумкин.

Президентлар лойиҳаларга старт бериб, улар нафақат ўзаро савдо ҳажмини оширишга хизмат қилиши, балки замонавий ишлаб чиқариш қувватларини, энг муҳими, минглаб янги иш ўринларини яратишига ишонч билдирдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев буюк қозоқ шоири Абай Қўнонбоев меросига бағишланган кўргазма доирасидаги экспозиция билан ҳам танишди.

Абай қозоқ халқининг асрий орзуларини, адолат, инсонпарварлик ва қардошлик ғояларини тараннум этган. Унинг шеърий асарлари ва ноёб "Насиҳатлар" китобига жамланган ҳикматли сўзларини ўқиб, XIX аср охирларида қозоқ даштларидаги турмуш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Давлат раҳбарлари Қозоғистон музейларидан келтирилган ноёб экспонатлар, жумладан, Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига оид тарихий ашёлар, фотосуратлар, китоблар билан танишдилар.

Абайнинг уч торли дўмбираси, Қўнонбойнинг дўпписи, қўлёзмалари, адиб ва унинг оиласи тасвирланган фотосуратлар томошабинларда қизиқиш уйғотди.

Президентлар кўргазма билан танишиб, мамлакатларимиз маданий ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирни тайёрлашга ҳисса қўшганларга миннатдорлик билдирдилар. Бундай тадбирлар дўстлик ришталаримизни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, ўзбек халқида қардош қозоқ халқининг тарихига қизиқиш ғоят баландлигидан далолат бериши таъкидланди.

Умуман, олий даражадаги музокаралар кун тартибининг кенглиги ва эришилган келишувларнинг аҳамияти бўйича икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очган тарихий воқеа бўлди.

Қардош Қозоғистон етакчисининг давлат ташрифи якунланди. "Тошкент" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

---

# "Қишлоқ қурилиш банк": НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР






**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудларида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг жами 103 та банк хизмати офислари ва банк хизмати марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали 700 мингдан ортиқ мижозга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Айни пайтда банкнинг соф активлари йил бошига нисбатан 18,3 фоизга ошиб, 24 трлн 500 млрд сўмга етди. Умумий капитали эса 2 трлн 912 млрд сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 216 млрд сўмга ортган.**

Бу ҳақда АОКАда "АТБ "Қишлоқ қурилиш банк": 2022 йилда эришилган натижалар ва янги вазифалар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумот берилди.

Банк Бошқаруви раҳбарияти, таркибий тузилмалар масъул ходимлари иштирок этган тадбирда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бошқаруви раиси Алишер Муратов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, банк тизимини замонавий талаблар асосида модернизация қилишда дастуриламал бўлаётганини таъкидлади. Мазкур муҳим ҳужжатга мувофиқ, банклар фаолиятининг сифати яхшиланиб, хизматлар кўлами кенгаймоқда. Пировард натижада банкларнинг оммабоплиги ошмоқда.

Тадбирда банкни трансформация қилиш мақсадида, халқаро консалтинг компанияси (PwC) жалб қилинган ҳолда, ривожланиш стратегияси (2020-2024) ва уни амалга ошириш йўл хариталари ишлаб чиқилгани ва банк Кенгаши томонидан тасдиқлангани маълум қилинди. Шунингдек, бугунги кунга қадар, банкнинг Чакана, Корпоратив, Операцион блоклари ва Риск, Ғазначилик, Молия, IT йўналишлари ҳамда ташкил этилган Лойиҳа офиси фаолиятлари халқаро экспертлар кўмагида трансформация қилинди. Ушбу жараёнда асосан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш, мижозларнинг талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш ҳамда уларга яратилган шароитларни янада яхшилаш асосий мақсад қилиб олинди.

Матбуот анжуманида таъкидланишича, 2022 йил давомида банк томонидан жами 7,0 трлн сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, юридик шахсларга 4 трлн 350 млрд сўм, жисмоний шахсларга 2 трлн 620 млрд сўм миқдорида маблағлар йўналтирилган. Бундан ташқари, йил давомида давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари баёнлари ва ҳудудий дастурларга киритилган жами 6 трлн 585 млрд сўмлик 882 та лойиҳалардан 610 тасига 1 трлн 850 млрд сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. 569 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 8 966 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, банк томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан республикамизда озиқ-овқат захирасини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш лойиҳаларига кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, жорий йил давомида иссиқхона хўжаликлари барпо этиш учун 6,1 млн АҚШ доллари миқдоридаги 10 та лойиҳа, музлатгичли омборхоналар барпо этиш учун 7,5 млн АҚШ доллари миқдоридаги 11 та лойиҳа, боғдорчилик, яъни боғлар барпо этиш учун 1,7 млн АҚШ доллари миқдоридаги 6 та лойиҳа, чорвачиликни ривожлантириш учун 4,3 млн АҚШ доллари миқдоридаги 25 та лойиҳа молиялаштирилди.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ҳудудларда кўп қаватли уй-жойлар қурилишида иштирок этаётган пудрат корхоналарини молиялаштиришда ҳам бевосита иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 2022 йил 1 январь ҳолатида 462 та пудратчига 1 трлн 157 млрд сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, кредит портфелидаги улуш 10,3 фоизни ташкил этган.

– 2022 йил 1 декабрь ҳолатида жами 634 та кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш учун банк томонидан пудратчиларга 1 трлн 776 млрд 300 млн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, кредит портфелидаги улуш 12,6 фоизни ташкил этди, – деди банкнинг Кичик ва ўрта бизнес департаменти бошлиғи Фаррух Норбеков. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-33-сон Фармонига мувофиқ, 2022 йилда банк томонидан ўтган давр мобайнида 10 401 нафар фуқарога 2 трлн 200 млрд сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Фармонга мувофиқ, янги тартиб доирасида республика тижорат банклари томонидан 2022 йилнинг 11 ойида жами ажратилган ипотека кредитларининг 1 трлн 800 млрд сўми ёки 23,7 фоизи "Қишлоқ қурилиш банк" ҳиссасига тўғри келади.

---

# КОРРУПЦИЯ – тараққиёт кушандаси

**Хуршид АЛИБАЕВ,**
Тошкент вилояти ФВБ бошлиғи.

**Ривожланган давлатлардан биридаги университетнинг кириш йўлагига "Бирор-бир давлатни маҳф этиш учун бугун атом бомбаси ёки узоқ масофага учувчи ракеталар шарт эмас, одамлари маънавиятдан мосуво қилинса, шунинг ўзи кифоя", деган сўзлар битилган шиор осиб қўйилган.**
**Каттаю-кичик ҳар куни бир неча бор бу даргоҳга кириб чиқишидан қатъи назар, албатта уни ўқиб, ўзига хулоса қилгани учун ҳам ўша давлатда ноқонуний фаолиятлар нисбатан анча паст даражада экан.**

Мана беш йилдирки, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда инсон омили энг юқори даражага олиб чиқиляпти. Ўтган даврда фуқароларимизни йиллар давомида қийнаб келган барча муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, одамларнинг турмуш шароитлари яхшиланяпти, замонавий иш ўринлари яратилиб, ишсизлик барҳам топяпти. Айниқса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида бошланган ишлар янада изчил давом эттирилмоқда. Биринчи навбатда дафтарлар рўйхатида турганлар ва камбағал, деб топилган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилган бир пайтда ислоҳотларга путур етказиб, жамиятнинг иқтисодий тараққиётини издан чиқаришга олиб келувчи, инсонлар ўртасида нотекисликни юзага келтирувчи баъзи мансабдор кимсаларнинг ноҳалол йўллар орқали маблағ орттириб, коррупция деган жирканч иллатга қўл ураётгани кечириб бўлмас ҳолдир.

Бундай ноқонуний иллат демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан содир этилиши энг аввало, ҳокимиятнинг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади. Юртимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганига қарамай, таассуфки, иллатнинг илдизи юлиб ташланганича йўқ. Бунга турли вилоят ёки туман-шаҳарлардан оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган хабарлар мисол бўлиши мумкин.

Маълумки, коррупция бу – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури бўлиб, ушбу фаолият хуфиёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида кимдандир пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Бу жирканч иллатнинг олдини олиш учун фақат давлат амалдорларигина эмас, балки давлат ташкилотида ишламайдиган фуқаролар, кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирокчилар бўлсагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва бошқа кўплаб қарорларнинг қабул қилиниши, юртимизда иллатга қарши курашиш тизимини кучайтириш, бу борадаги ислоҳотларни жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни белгилаб берди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги "2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мазкур иллатга қарши курашишда барчамиз учун дастуриламалдир.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зотан, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиб бориши жамиятни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Буни давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилингани беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

Умуман, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат ҳокимияти органларига муайян қарорларни қабул қилиш бўйича мурожаат этиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш каби шаклларда йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, коррупцияга қарши курашишда фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Унга қарши муросасиз бўлишда кенг жамоатчилик вакиллари, маҳаллалардаги фаоллар ҳам дадил ҳаракат қилишса, иллатнинг илдизи қуриб, юртимизда ўтказилаётган изчил ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

# АҲОЛИНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШИ – мамлакат тараққиётининг муҳим асосидир

**Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.**

**Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлган ушбу тадбир 2017 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Унда тугаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар эълон қилинади. Шу боис халқимиз бу тадбирни доимо катта қизиқиш билан кутади.**

**Бу йилги Мурожаатномада Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилда қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган лойиҳалар ҳақида сарҳисоб қилиш билан бирга, келгуси йилда кўзда тутилган режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.**

**Давлатимиз раҳбари кириб келаётган 2023 йилга мамлакатимизда Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, деб ном беришни таклиф этди. Келгуси йил учун режа ва дастурлар аниқ белгилаб олинар экан, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.**

**Мурожаатномада қурилиш соҳаси вакиллари олдига ҳам улкан марралар қўйилди. Уларни бажариш эса ҳамкасбларимиздан куч ва тажрибани талаб этади. Қуйида соҳа вакилларининг Мурожаатномада таъкидланган вазифалар бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишишингиз мумкин.**

**Давронжон АДИЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари.



**Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасини тинглаган ҳар бир юртдошимиз қалбида келгуси йилда ҳам инсон манфаатлари, унинг қадр-қиммати янада ортишига ишонч уйғонди, десак, адашмаган бўламиз.**

Шу ўринда, аҳолининг муносиб шароитда яшаши бу йилги Мурожаатномада ҳам алоҳида таъкидланди. Зеро, уй-жойга эга инсонгина жамиятда муносиб фаолият юритишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу масала келгуси йилда ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиши аниқ. Президентимиз ўз нутқида халқимизнинг эзгу анъаналари тимсоли сифатида қадрланиб келинаётган маҳаллалар ривожи ва ободлигини янада ошириш ҳақида таъкидлади. Хусусан, маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғони эканлиги боис, бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилиб, 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлардаги лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни, 8 триллион сўм йўналтирилиши айтилди. Шунингдек, ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши, маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун "Маҳалла бюджети" тизими жорий этилиши белгиланмоқда. Бунинг учун янги йилнинг 1 январидан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши билдирилди.

Бу рақамлардан ҳам кўриш мумкинки, бунёдкорлик туфайли тобора обод бўлаётган юртимизда янада кўркам маҳаллалар сони ортиб, юртдошларимиз учун муносиб шароит яратиш каби эзгу ишлар янги йилда ҳам давом этади. Бир сўз билан айтганда, буларни катта ислоҳотлар дебочаси, десак арзийди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир маҳалла ватанимизнинг бир кичик бўлаги. Шу кичик бўлакни ривожлантирмасдан туриб, улкан марраларни забт этиш мушкул.

Шу билан бирга, Президентимизнинг Мурожаатномада Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш ҳақидаги таклифи юртимизда айнан бунёдкорлик туфайли инсон манфаатлари ва қадри улуғланишининг намунаси сифатида мамнуният билан кутиб олинди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажми 1,5 баробар оширилиб, 90 мингга етказиш белгиланди ҳамда имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилиши таъкидланди. Бу борада келгуси йилда Тошкент вилоятида "Менинг биринчи уйим" янги ипотека дастури бошланиши ва дастур доирасида, биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилиши ҳам халқимиз кўнглидаги иш бўлди, десак адашмаган бўламиз.

Мурожаатноманинг тўртинчи йўналиши сифатида қайд этилган экология, айниқса, сув масалалари бугун глобал муаммога айланиб бораётгани ҳам бор гап. Шу юртнинг бир фуқароси сифатида бу муаммо барчамизни бирдек ташвишлантириши лозим, деб ҳисоблайман. Бу масалага ҳам алоҳида тўхталган юртбошимиз, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарурлигини таъкидлади.

Барчамизга маълумки, ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир. Мурожаатномада табиатимизни асрабавайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши кераклиги таъкидланиб, бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларни, хусусан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Бу борадаги ишлар айни пайтда яратилаётган пойтахтнинг Бош режасида ҳам алоҳида таъкидлангани масаланинг долзарблигидан далолатдир. Хусусан, Тошкентнинг 2045 йилгача бўлган Бош режаси аҳоли яшаши учун қулайлаштирилиб, лойиҳада шаҳарнинг экологиясига катта эътибор қаратилган. Яшил ҳудудлар майдони ҳозирда 7 минг гектарни ташкил этса, эндиликда 25 минг гектарга етказилиши белгиланган.

Бош режани яратишга катта ҳисса қўшаётган лойиҳачиларнинг таъкидлашича, Тошкент яшил шаҳар, аммо бу яшиллик бир қарашда кўзга ташланмайди. Қолаверса, унинг ҳавосида туз бор. Бу омилларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг атрофида яшил қобиқни барпо этиш режалаштирилган. Яшил қобиқ ёки ҳалқа ҳам тузни камайтиради, ҳам мўътадилликни таъминлайди. Қолаверса, пойтахт янада кўркамлашади. Шу боисдан, 130 километр узунликда "Яшил макон" лойиҳаси амалга ошириляпти. Тақдимотда бу лойиҳани Президентимиз ҳам юқори баҳолади. Майдон бўйлаб миллионлаб дарахтлар экилиши натижасида шаҳарда ҳаёт янада қулайроқ ва хавфсиз бўлиши режалаштирилган.

Мурожаатномада шунингдек, юқоридаги каби муҳим таклиф ва ташаббуслар барча соҳалар бўйича алоҳида таъкидланиб, тегишли топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди. Бу вазифалар ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини янада фаол ҳаракат қилиб, юрт ривожига ҳисса қўшишга ундаши шубҳасиз.

**Азамат УРАЗИМБЕТОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги Аҳоли
пунктларининг шаҳарсозлик
ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва
татбиқ этиш бўлими бошлиғи.



**Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга қилган Мурожаатномасини катта қизиқиш билан ўқиб чиқиб, кўз ўнгимда ўзим туғилиб ўсган Қорақалпоғистон Республикасининг кўп йиллар аввалги ҳолати гавдаланди.**

Тўғриси, яшаш тарзимиз, одамларнинг ҳаётга ва келажакка бўлган ишончи сўниб бўлганди. Чунки ёшлар эътибордан четда қолиб, ишсизлик муаммога айланган, одамларнинг камбағаллик даражаси кун сайин ортиб борар, ижтимоий масалаларга эса панжа орасидан қараларди. Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятларидаги каби Оролбўйи минтақасида яшовчилар ҳам бундай ҳаёт тарзидан ҳафсаласи пир бўлганди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан изчил ислоҳотлар инсон манфаатларини устувор даражага олиб чиқишга қаратилганини бугун қорақалпоғистонликлар ҳам чин дилдан ҳис этаётир. Сўнгги қисқа даврда Оролбўйи минтақамиз таниб бўлмас даражада чирой очмоқда. Кўп қаватли уйлар қурилиб, йиллар давомида турар жойга муҳтожларнинг талаби қондириляпти, ишсизликдан бошқа жойларга иш қидириб юрувчилар энди йўқ ҳисоби. Сабаби, барча туман ва шаҳарлар, ҳатто маҳаллаларда ҳам замонавий ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, доимий иш ўринлари яратилди. Авваллари қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошқасини тасаввур ҳам қилмаган халқимиз бугун саноат соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариб, чет давлатларга ҳам экспорт қилмоқда.

Мурожаатномада Президентимизнинг "Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши" деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади" дегани Қорақалпоғистоннинг ҳар бир фуқаросига бўлган чексиз ҳурмат белгисидир. Шу билан бирга, "Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир" дея алоҳида эътироф этди. Бу, қорақалпоғистонликларни янада жўштириб, келгусида белгиланган ишларга ҳозирдан жиддий ҳаракатларни бошлаб юборишга ундамоқда.

Албатта, Мурожаатномани чуқур ўрганарканман мамлакатмизда олиб борилаётган ва олдимизда режалаштирилган катта ишларда биз қурувчилар зиммасида ҳам катта масъулиятлар юкланганини дилдан ҳис қилдим. Таъкидлаш жоизки, Мурожаатномада бир муҳим гап алоҳида эътироф этилди, яъни "Ривожланиш фақат машаққатли ва мардлик меҳнат орқали" бўлади. Айтиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизни toблади, одамлар шуурида келажакка ишонч – эътиқодни уйғотди. Энди фуқароларимиз кечаги кишилар эмас, улар ҳар бир бажараётган иши эртага ўзига, эл-юртга қандай наф келтиришининг ҳадисини олишган ва шу мақсад билан янгидан-янги режаларни тузишмоқда.

**Қосим ҚАРШИЕВ,**
Пастдарғом тумани
ҳокимининг ўринбосари,
халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида республикани 2023 йилда ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш борасидаги вазифалар белгилаб берилганини диққат билан тингладим. Келаётган йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили деб номлангани аввалги йилларнинг узвий давоми, деб ҳисоблаш мумкин.**

Мурожаатномада Давлатимиз раҳбари ҳар бир йўналиш бўйича илгари сурган ташаббус ва таклифлар бугунги шиддатли замонда амалга оширилиши зарурлиги билан эътиборлидир. Яна бир аҳамиятли томони, бу ташаббуслар айни пайтда такомиллашаётган бош Қомусимизда ҳам акс этилиши зарурлиги қайд қилинганидир. Мурожаатномада диққатимни тортган жиҳатлардан бири, Самарқанд шаҳрига алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида республикага бўйсунадиган ҳудуд мақоми берилишидир. Айни пайтда Самарқандни бир миллион аҳоли яшайдиган шаҳарга айлантириш ва бу ерда бешта туман ташкил этиш бўйича ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Кўҳна кентга маъмурий-ҳудудий бирлик мақоми берилиши унинг йирик марказлардан бири сифатида обрў-эътибори ва нуфузини оширишга ёрдам беради, деб ўйлайман. Буни кейинги пайтда қатор йирик халқаро форум ва тадбирлар ўтказиладиган маконга айланаётгани ҳам кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, шаҳарда янги туманларнинг ташкил этилиши ҳудудни самарали бошқариш, аҳоли ва сайёҳларга қулай шароитлар яратишда асқатади. Булар шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятига, даромади ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу, бизнинг туман каби бошқа қишлоқ туманлари имконияти ва салоҳиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Энг муҳими, ўзгаришлар пировард натижада аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Воҳидхон ҒАФФОРОВ,**
"Наманган темир-бетон
буюмлари заводи" МЧЖ
раиси, халқ депутатлари
вилоят Кенгаши депутати.



**Президентмизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси барчамиз учун айни муддао бўлди. Мурожаатномада айтилган ҳар бир сўз, таклиф ва мулоҳаза юртимиз тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканини ҳис этганимизни изҳор қилмоқчиман. Ҳеч шубҳасиз, Мурожаатнома бутун халқимиз қатори биз қурилиш соҳаси вакилларини ҳам сафарбарликка чорламоқда. Чунки ҳар бир киши эртага бугунгидан яхшироқ ва самаралироқ меҳнат қилмоғи даркор. Шундагина юксак марраларни муваффақиятли забт этиш мумкин.**

Мурожаатноманинг муқаддимасидаёқ мамлакатимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўяётгани, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бераётгани таъкидлангани диққатга сазовордир.

Биз, наманганликларни давлат раҳбари олға сурган яна бир ташаббус чексиз қувонтирди. Мен вилоятимиз марказини Самарқанд шаҳри каби алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида республика бўйсунувига ўтказиш таклифини назарда тутмоқдаман. Бу, Наманганни янада тараққий этган, кўркам ва обод, аҳоли учун қулай яшаш шароитлари яратилган, ижтимоий-иқтисодий ривожланган гўшага айлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бу, албатта биз бунёдкорларнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Жамоамиз асосан бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Пудрат ишларини бажарадиган бўлинмамиз ҳам бор. Янги йилдан бошлаб маҳсулот тайёрлаш ҳажмини янада кенгайтириш, сифатини яхшилаш, ҳар бир объектни ўз муддатида фойдаланишга топшириш юзасидан олиб бораётган ишларимизни янада кучайтирамиз.

2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили деб эълон қилди. Бу, халқимизнинг мактаб, боғча ва шифохоналар кўпайиши, таълим, тиббиёт сифати оширилиши, маҳаллаларда йўл, сув, электр, транспорт муаммолари ҳал қилиниши, иш ўринлари кўпайиши демакдир. Бу эзгу ишларга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Саидаълам ХОДЖАЕВ,**
ТАҚУ профессори, техника
фанлари доктори, "ToshuyjoyLITI" АЖ
бош илмий ходими.

**Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга қилган Мурожаатномасида юртимизда 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб ном беришни таклиф қилди. Бу таклиф замирида мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар мужассам, десак адашмаган бўламиз. Зеро, ҳар бир соҳанинг тараққиёти ва ривожи энг аввало, таълим тизимига бўлган эътиборга боғлиқ.**

Тан олиш керак, бугун юртимизда таълим-тарбияга ҳар қачонгидан-да юксак эътибор қаратилиб, ёшларнинг мукаммал билим олиши учун барча керакли имкониятлар яратилмоқда. Ўқувчилар, ёш олимлар ва тадқиқотчиларга берилган кенг имкониятлар натижасида бугун юртимиз таълим соҳасида эришаётган ютуқларимиз билан фахрлансак арзийди.

Зеро, юртбошимиз Мурожаатномада таъкидлаганидек, ушбу соҳада бошлаган ислоҳотларни янги йилда ҳам давом эттириш, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиш, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этиш зарур. Шу боис, келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритиш таклиф этилди. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик фаол бўлиб, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдириши кутилмоқда.



Биламизки, таълимнинг илк бўғини мактабгача ва мактабда олинган билим ҳисобланади. Инсон ҳаётига пойдевор мисоли қўйилган бу тамал тоши унинг келажакда етук инсон ва малакали кадр бўлиб етишида муҳим роль ўйнайди. Бугун мактабни битириб, олий таълим даргоҳига қадаб қўяётган ёшларнинг ёниқ кўзларидан уларнинг илмга чанқоқлигини ва ғайрат-шижоати баландлигини кўриб, биз устозлар ҳам қувонамиз. Қолаверса, яқинда таълим даргоҳимизга юртбошимиз ташабббуси билан университет мақоми берилгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг яна бир далилидир. Бу мақом талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчи ва олимлар фаолиятини янада кенгайтириб, хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш имкониятини тақдим этиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мурожаатномада юртбошимиз алоҳида тўхталиб ўтган яна бир муҳим масала – сўнгги йилларда олийгоҳларимизнинг 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етгани, қамров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга ошгани масаласи бўлди. Шунингдек, 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилиб, уларда трансформация офислари очилиши, олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлиши, янги, илғор методикаларни жорий қилиши кераклиги таъкидланди. Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилиши ҳам юртимизда таълим сифати самарадорлигини ошириш, барча соҳаларнинг асоси эканлигини яна бир кўрсатиб турибди.

Бизнинг галдаги вазифамиз – Мурожаатномада белгиланган таклиф ва тавсияларни амалга татбиқ этиш ҳамда келажак авлодни юртимиз тараққиётига ҳисса қўша оладиган малакали кадрлар сифатида етиштиришдан иборат.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (652) 2022 йил 23 декабрь

# ФАРМОН ЛОЙИҲАСИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

**Акбар РАЖАБОВ,**
Қурилиш вазирлиги юридик бўлими бошлиғи.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси бўйича бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Фармон лойиҳаси 12 та вазирлик ва идоралар билан келишилган. Лойиҳага асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сонли фармони ҳамда 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ-5263-сонли қарори белгиланган. Фармон лойиҳасига кўра, Президентнинг 9 та Фармони ва қарорларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш белгиланган. Шунингдек, 14 та фармон ва қарорлар ҳамда уларга киритилган ўзгартиришлар ўз кучини йўқотмоқда.**

Ушбу фармонни қабул қилишдан асосий мақсад, қурилиш соҳасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцион омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, нормаларни юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш, қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини бош режаларини ишлаб чиқиш субъектлари доирасини кенгайтириш, соҳадаги айрим “монопол” йўналишларга барҳам бериш, лойиҳалаш ишларидаги ноўрин талабларни бекор қилишдан иборат.

Биринчи навбатда, Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг аҳоли пунктлари бош режалари режалаштиришни назорат қилиш функцияси чиқариб ташланмоқда. Объектларни фойдаланишга қабул қилиш қурилиш соҳасида назорат инспекциянинг хулосаси асосида амалга оширилиши муносабати билан фойдаланишга қабул қилиш тизими ҳам соддалаштириляпти. Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси аъзоси бўлган юридик шахсларнинг лойиҳалаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи бекор қилинмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги коррупцион омиллар чиқариляпти. Жумладан, қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингидаги мезонлар белгиланганига қарамасдан, ҳужжатларда ҳуқуқни қўлловчи томонидан бошқа мезонларни ҳам важ қилиб юридик шахсларнинг ҳуқуқини поймол этиши ёки коррупцион омил бўлиб хизмат қилишини олдини олиш мақсадида “бошқа мезонлар” деган сўзлар чиқариб ташланмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номутаносибликлар ва номувофиқликлар юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг қишлоқлар, овуллар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ва улар таркибида батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия хариталарини ишлаб чиқиш ҳуқуқи тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотларга ҳам берилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ўз кучини йўқотаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилиши мўлжалланган. Хусусан, ўз моҳияти ва аҳамиятига эга бўлмаган ҳамда бугунги кунда тартибга солиш таъсири мавжуд бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз кучини йўқотмоқда. Бундай ҳужжатлар 2 та фармон ва 2 та қарордан иборат.

Қурилиш вазирлигининг лойиҳаларни фойдаланишга “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида (Engineering Procurement Construction) (кейинги ўринларда – EPC-пудратчилар) “fast-track” услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) реализация қилишда пудратчиларга, жумладан, хорижий пудратчиларга қурилиш соҳасидаги тегишли лицензиялар ва (ёки) рухсатномаларни олмасдан, лойиҳаларни сифатли амалга ошириш бўйича тўлиқ жавобгарликни EPC-пудратчиларга юклаш шарти билан бир марталик рухсат бериш ҳуқуқи бекор қилинмоқда.

Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги жорий қилиниши муносабати билан, уларни тартибга солиш тўғрисидаги илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам бекор қилиниши белгиланмоқда. Чунки Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингида қўйилган мезонлар уларнинг фаолиятини яхшилаш, кенгайтириш ва йирик ташкилот даражасига кўтариш ва жаҳон бозорига чиқиши учун хизмат қилади.

# ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

**Сайфиддин НАРЗИҚУЛОВ,**
Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори.

**Мамлакатимизда конституциявий ислоҳотлар “Инсон қадри учун”, “Инсон-жамият-давлат” ҳамда “Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият” тамойиллари асосида амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, Бош қомусимизга кенг жамоатчиликдан тушаётган таклифлар таҳлили халқимизнинг ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси ва иштиёқи ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Ташаббускорлик кўпроқ қонунчилик илмига эга олимлар билан бирга, турли соҳа эгалари, оддий одамлар ва ёшлар томонидан чиқаётганлиги аҳамиятлидир. Ўз навбатида ҳеч бир таклиф эътибордан четда қолмаяпти.**

Жорий йилнинг 8 августида эса юртбошимиз томонидан “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун ҳам имзоланди. Зеро, у давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни, яъни, давлат органлари ва ташкилотлари ўрта бўғин ходимларининг меҳнатини тартибга солишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. “Давлат фуқаролик хизмати” Ўзбекистондаги аҳолининг давлат органлари ва ташкилотларида жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширадиган ҳақ тўланадиган касбий фаолиятдир. Илгари бундай тушунча йўқ эди. Энди фуқаролик давлат хизматининг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қилиши аниқ бўлди. Умуман олганда, давлат хизмати фуқаролик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, дипломатик, ҳарбий ёки сиёсий ва носиёсий бўлиши мумкин.

“Давлат фуқаролик хизматчиси” ким? Давлат фуқаролик хизматчиси – ўз фаолиятини давлат фуқаролик хизмати лавозимларида амалга оширувчи республика фуқаросидир. Қонунга кўра, у манфаатлар тўқнашувидан қочиши, холис бўлиши лозим. Ўз мансабидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек, мансаб фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатишга йўл қўймаслиги, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда декларацияни тақдим этиши зарур.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш кишилик жамияти тараққиётининг асосий ва бош масалаларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг қай даражада ривожланганини кўрсатувчи ўзига хос мезондир. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Бу эса давлатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тизимининг устувор йўналиши ва мақсадидир.

Хулоса қилиб айтганда, қонун давлат фуқаролик хизмати тизимини, бирлиги ва барқарорлиги, қонуний адолат, халққа хизмат қилиш давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги жавобгарлиги, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, холислик, давлат хизматчиларининг хуқуқий ва ижтимоий ҳимояси сингари бир қатор давлат фуқаролик хизматининг асосий мезонларини белгилайди, деб бемалол айтиш мумкин. Бу эса қонунларимиз тобора такомиллашаётганининг ёрқин далилидир.

# Ғозғонда 2 та маҳалла биноси фойдаланишга топширилди

**Навоий вилояти Ғозғон шаҳрида “Гулистон” ва “Шайхон” маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда секторлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, нуронийлар, ёшлар ва маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Унда юртимизда маҳалла институтини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз бориб, олиб борилаётган барча эзгу ишлар, аввало, халқимиз розилиги, инсон қадри учун хизмат қилаётгани таъкидланди.

Гулистон маҳалласини қуриш ишлари “Навоий махсус сув пудрат” МЧЖ томонидан амалга оширилиб, 791,6 миллион сўм маблағ сарфланди. Бинода ходимларнинг фаолият олиб бориши учун барча шароитлар яратилган.

– Маҳалламизда 664 оилада 2223 киши истиқомат қилади, – деди маҳалла раиси Эмин Жумаев ЎзА мухбири Абдували Бўриевга. – Ислоҳотлар боис маҳалламизда 1,1 миллиард сўм маблағ эвазига 3 километр йўл асфальт қилинди. “HAMKOR INVEST PRESTIJ” МЧЖ томонидан 193,5 миллион сўм маблағ эвазига 1,4 километр сув қувури тортилди. Шунингдек, 10,8 километр электр энергияси тармоғи тортилиб, 270 та таянч ўрнатилди ва 1 та янги трансформатор қурилди, 3 та трансформатор таъмирланди.

Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга “Шайхон” маҳалла фуқаролар йиғини биноси маҳалла аҳли учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

2197 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада умумий қиймати 778,8 миллион бўлган маҳалла биноси “Навоий омад қурилиш инвест” МЧЖ қурувчилари томонидан қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ҳудудда 4,8 километр асфальт, 2 километр бетон ҳамда 3,6 километр тупроқ йўл шағаллаштирилган бўлса, 1,3 километр пиёдалар йўлаги қуриб битказилди. Бу мақсадлар учун 4,2 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Бугунги кунда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида биринчи навбатда аҳолини рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш ётганлигини ҳар бир фуқаро ҳис қилмоқда, – дейди маҳалла раиси Жамол Шарипов. – Буни маҳалламизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ҳам илғаш қийин эмас. Ҳудудимизда 10,6 километр сув қувури, 10,4 километр ҳаво электр узатиш тармоғи тортилиб, 2 та трансформатор таъмирланди, 2 та янги трансформатор ва 312 та бетон таянч ўрнатилди. 180 та якка тартибдаги уй-жойлар тартибга келтирилди.




Самарқанд вилояти
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси
она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган юртдошларимизни кириб келаётган
Янги – 2023 йил
билан чин дилдан муборакбод этади.
SAMARKAND INTERNATIONAL AIRPORT


Фарғона вилояти
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси
барча юртдошларимизни, гўзал ва бетакрор Ватанимиз ободлиги,
халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган
қурилиш соҳаси ишчи-ходимларини яқинлашиб келаётган
Янги йил
байрами билан самимий муборакбод этади.
Ана шундай шукуҳли кунларда
сизларга сиҳат-саломатлик тилайди.

# Сирдарё вилояти

## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*Ўзбекистон аҳлини яқинлашиб келаётган*

*Янги йил байрами*

*билан муборакбод этади.*

*Ана шундай шукуҳли кунларда барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.*

*Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!*

*Доимо осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!*

# Сурхондарё вилояти

## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*Жонажон Ватанимиз аҳлини, шаҳару қишлоқларимиз ободлиги йўлида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимизни кириб келаётган*

*Янги йил*

*билан чин дилдан қутлаймиз!*





# “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ

## нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2023 йил 24 январь куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога Урганч тумани тиббиёт бирлашмасининг 2022 йил 10 ноябрдаги 4745-сонли хатига асосан Урганч тумани, Ибн Сино кўчаси 12-уйда сақланаётган, таъмирталаб ҳолатдаги қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари қўйилмоқда:**

1. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 НА 837 бўлган “Т-28х4мс” русумли трактор. **Бошланғич баҳоси** – 5 833 000 (беш миллион саккиз юз ўттиз уч минг) сўм.

2. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 DA 501 бўлган “2ПТС-4-793” русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси** – 4 680 000 (тўрт миллион олти юз саксон минг) сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари 2023 йил 24 январдаги очиқ аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2023 йил 17 февраль кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда закалат шартномасини тузиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Закалат пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ “Ипотека-банк” Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

# “Universal Auktsion Invest” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу мавзеси, 2-уйда жойлашган “Toshkent shahar yer osti umumiy o‘tish muhandislik kollektorlari boshqarmasi” ДУК балансида бўлган қуйидаги транспорт воситалари қўйилмокда:**

1. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 838 ZBA бўлган “Nexia” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 42 168 651 сўм.

2. 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 СА 899 бўлган “ТТЗ-100К-100” русумли трактор. **Бошланғич баҳоси** – 32 607 800 сўм.

3. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 АА 617 бўлган “2ПТС-4-793-А-03” русумли тиркама. **Бошланғич баҳоси** – 12 418 255 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 23 январь куни соат 11.30 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади.

Талабгорлар билан закалат шартномаларини тузиш, буюртманомаларни, закалат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача амалга оширилади. Буюртманомаларни ва закалат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш 2023 йил 20 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар закалат шартномасини тузиш учун савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

**Очиқ аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар транспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси билан “Закалат пули тўғрисида”ги келишувни имзолагандан сўнг савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ “Турон банк” Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

Закалат тўлови амалга оширилгач тўлов ҳужжатининг нусхаси ва буюртманома савдо ташкилотчисига топширилади.

Аукцион савдо ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида сотувчи (мулк эгаси) билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Шунингдек, кўрсатилган ахборот-консалтинг хизматлари учун тўлов олинади.

Юқоридаги транспорт воситалари дастлабки савдоларда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари мулк сотилгунга қадар ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари соат 15.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар учун талабгорлар билан закалат шартномаларини тузиш, закалат тўловлари ва буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдодан 1 (бир) иш куни олдин соат 17.00 да тўхтатилади.

Сотилиб, кейин савдо натижалари бекор бўлган ҳолларда мазкур автотранспорт воситасининг савдолари кейинги савдо кунларида ташкил қилинади.

Ҳурматли талабгорлар! Аукционда талабгор шахсан ўзи ёки ишончнома асосида унинг вакили қатнашади, нархлар эркин шаклланади ҳамда сотиб олиш тўловлари Сотувчининг ҳисоб рақамига банк орқали тўланади.

*“Аукциондан автомашина олиб бераман” деган шубҳали шахсларга алданиб қолманг!*

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “LOMBARD TASHKREDIT” МЧЖнинг 2022 йил 16 декабрдаги 157-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 25 сентябрь, 28 ноябрь ва 1 декабрдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 659 | Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 4,89 гр., ч.в. 4,89 гр., 585 пр. | 1 752 478,24 |
| 2. | 737 | Цепь 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 50,69 гр., ч.в. 48,69 гр., 585 пр. | 18 873 570,00 |
| 3. | 1110 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,83 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. | 1 272 712,08 |
| 4. | 1125 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 3,64 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 1 269 148,80 |
| 5. | 1547 | Браслет 1 шт., о.в. 9,94 гр., ч.в. 9,94 гр., 585 пр. | 4 302 300,00 |
| 6. | 1625 | Колье 1 шт., о.в. 4,33 гр., ч.в. 4,21 гр., карабин ндм., 585 пр. | 1 519 006,64 |
| 7. | 1650 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,08 гр., ч.в. 2,08 гр., 585 пр. | 836 901,12 |
| 8. | 1735 | Браслет 2 шт., о.в. 10,22 гр., ч.в. 10,22 гр., 585 пр. | 3 971 803,76 |
| 9. | 1752 | Браслет 1 шт., цепь 2 шт., серьги 2 пары, кольцо 1 шт., кольцо и серьги 1 комп., о.в. 42,09 гр., ч.в. 40,90 гр., 585 пр. | 13 746 608,00 |
| 10. | 1925 | Браслет 1 шт., о.в. 25,07 гр., ч.в. 24,87 гр., 585 пр. | 7 343 935,20 |
| 11. | 2068 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,15 гр., ч.в. 5,90 гр., 585 пр. | 2 265 054,05 |
| 12. | 2108 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,62 гр., ч.в. 1,52 гр., 585 пр. | 676 299,00 |
| 13. | 2298 | Браслет 1 шт., о.в. 20,21 гр., ч.в. 20,21 гр., 585 пр. | 9 195 750,00 |
| 14. | 2315 | Цепь 1 шт., о.в. 13,16 гр., ч.в. 13,16 гр., 585 пр. | 5 515 027,20 |
| 15. | 2632 | Кольца с дефектом 3 шт., браслет с дефектом 1 шт., о.в. 6,60 гр., ч.в. 5,90 гр., 585 пр. | 2 522 175,00 |
| 16. | 2718 | Цепь 1 шт., о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр. | 1 499 853,00 |
| 17. | 2797 | Кольца 2 шт., о.в. 5,50 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. | 2 106 753,92 |
| 18. | 3140 | Серьги 1 пара, кольца 2 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 12,44 гр., ч.в. 12,00 гр., 585 пр. | 5 441 580,00 |
| 19. | 3418 | Кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 4,35 гр., ч.в. 3,85 гр., 585 пр. | 1 606 945,32 |
| 20. | 3464 | Серьги 1 пара, о.в. 3,41 гр., ч.в. 2,81 гр., 585 пр. | 1 203 054,40 |
| 21. | 3503 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,63 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 1 242 000,00 |
| 22. | 3505 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,60 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 787 500,00 |
| 23. | 3513 | Кольцо 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, кольцо и серьги 1 комп. с дефектом, о.в. 16,67 гр., ч.в. 14,30 гр., 585 пр. | 6 544 500,00 |
| 24. | 3599 | Цепь 1 шт. с дефектом, браслет 1 шт. с дефектом, кольца 2 шт. с дефектом, кулон 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, кольцо и серьги 1 комп., о.в. 38,11 гр., ч.в. 34,31 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 5,69 гр., ч.в. 5,69 гр., 750 пр. | 14 488 352,00 |
| 25. | 3681 | Кольцо 1 шт., о.в. 7,07 гр., ч.в. 7,07 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 12,55 гр., ч.в. 11,85 гр., 750 пр. | 8 589 750,00 |
| 26. | 3815 | Кольца 3 шт., серьги 1 пара, о.в. 8,59 гр., ч.в. 7,89 гр., 585 пр. | 3 817 500,00 |
| 27. | 3818 | Кольцо 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 9,57 гр., ч.в. 8,90 гр., 585 пр. | 4 196 250,00 |
| 28. | 3847 | Кулон 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 5,28 гр., ч.в. 5,28 гр., 585 пр. | 2 605 500,00 |
| 29. | 3866 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 6,33 гр., ч.в. 5,40 гр., 585 пр. | 2 605 500,00 |
| 30. | 3925 | Кольцо 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 3,44 гр., ч.в. 3,24 гр., 585 пр. | 1 469 250,00 |
| 31. | 4008 | Колье 1 шт., браслет 1 шт., кольцо 1 шт., часы с дефектом 1 шт., о.в. 37,44 гр., ч.в. 34,00 гр., 585 пр. | 11 392 500,00 |
| 32. | 4021 | Серьги 1 пара, о.в. 8,14 гр., ч.в. 7,40 гр., 585 пр. | 3 305 430,00 |
| 33. | 4062 | Браслет 1 шт., о.в. 17,75 гр., ч.в. 17,75 гр., 585 пр. | 8 635 200,00 |
| 34. | 4162 | Кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 8,74 гр., ч.в. 6,90 гр., 585 пр. | 2 977 887,00 |
| 35. | 4206 | Браслет 1 шт., о.в. 2,74 гр., ч.в. 2,40 гр., 750 | 1 469 250,00 |
| 36. | 4209 | Цепь 1 шт., о.в. 5,75 гр., ч.в. 5,75 гр., 585 пр. | 2 757 000,00 |
| 37. | 4270 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 6,50 гр., ч.в. 4,70 гр., 585 пр. | 1 863 448,96 |
| 38. | 4279 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,43 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 393 500,00 |
| 39. | 4323 | Цепь 1 шт., о.в. 10,81 гр., ч.в. 10,81 гр., 585 пр. | 4 575 000,00 |
| 40. | 4331 | Цепь 1 шт., браслет 1 шт., кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 22,26 гр., ч.в. 21,86 гр., 585 пр. | 10 635 000,00 |
| 41. | 4385 | Браслеты 2 шт., о.в. 36,63 гр., ч.в. 35,43 гр., 585 пр. | 16 089 000,00 |
| 42. | 4469 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,71 гр., ч.в. 1,71 гр., 585 пр. | 720 032,00 |
| 43. | 4553 | Цепь 2 шт. с дефектом, браслет 1 шт. с дефектом, кольца 5 шт. с дефектом, о.в. 20,64 гр., ч.в. 19,10 гр., 585 пр. | 8 665 500,00 |
| 44. | 4585 | Цепь 1 шт. с дефектом, кулон 1 шт., кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 14,31 гр., ч.в. 13,80 гр., 585 пр. | 6 317 250,00 |
| 45. | 4635 | Цепь 1 шт., о.в. 12,40 гр., ч.в. 12,40 гр., 585 пр. | 6 044 550,00 |
| 46. | 4703 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 742 050,00 |
| 47. | 4936 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,73 гр., ч.в. 4,23 гр., 585 пр. | 1 956 625,50 |
| 48. | 4945 | Кольцо 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 9,45 гр., ч.в. 9,45 гр., 585 пр. | 4 575 000,00 |
| 49. | 4960 | Кольца 2 шт., с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 10,81 гр., ч.в. 9,81 гр., 585 пр. | 4 309 370,00 |
| 50. | 4962 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 13,33 гр., ч.в. 12,50 гр., 585 пр. | 6 090 000,00 |
| 51. | 4965 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,29 гр., ч.в. 1,79 гр., 585 пр. | 863 250,00 |
| 52. | 4987 | Цепь 1 шт., браслет 1 шт., кольцо и серьги 1 комп., о.в. 27,32 гр., ч.в. 27,30 гр., 585 пр. | 12 907 500,00 |
| 53. | 4996 | Серьги 1 пара, о.в. 3,39 гр., ч.в. 2,19 гр., 585 пр. | 884 460,00 |
| 54. | 5031 | Кольца 2 шт., о.в. 7,64 гр., ч.в. 7,34 гр., 585 пр. | 3 590 250,00 |
| 55. | 5096 | Кольца 2 шт., о.в. 4,67 гр., ч.в. 4,37 гр., 585 пр. | 1 999 500,00 |
| 56. | 5187 | Серьги 1 пара, о.в. 1,19 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр. | 560 250,00 |
| 57. | 5262 | Перстень 1 шт., о.в. 7,97 гр., ч.в. 6,80 гр., 585 пр. | 2 302 500,00 |
| 58. | 5344 | Серьги 1 пара, о.в. 5,75 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 2 454 000,00 |
| 59. | 5370 | Кольца 2 шт., о.в. 2,29 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 939 000,00 |
| 60. | 5371 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 6,87 гр., ч.в. 6,80 гр., 585 пр. | 3 060 000,00 |
| 61. | 5432 | Кольцо 1 шт., серьга без пары, цепь 1 шт., о.в. 10,90 гр., ч.в. 10,30 гр., 585 пр. | 3 514 500,00 |
| 62. | 5442 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 21,00 гр., ч.в. 20,00 гр., 585 пр. | 9 726 000,00 |
| 63. | 5472 | Кольца 3 шт., о.в. 7,96 гр., ч.в. 7,26 гр., 585 пр. | 3 514 500,00 |
| 64. | 5485 | Кольца 2 шт., цепь 1 шт., о.в. 20,51 гр., ч.в. 19,70 гр., 585 пр. | 9 574 500,00 |
| 65. | 5533 | Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 6,73 гр., ч.в. 6,60 гр., 585 пр. | 3 211 500,00 |
| 66. | 5553 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,73 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 711 750,00 |
| 67. | 5581 | Кольцо 3 шт., о.в. 5,77 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 2 454 000,00 |
| 68. | 5769 | Серьги 1 пара с дефектом, о.в. 4,52 гр., ч.в. 4,32 гр., 585 пр. | 1 999 500,00 |
| 69. | 5771 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 2,75 гр., ч.в. 1,75 гр., 585 пр. | 863 250,00 |
| 70. | 5820 | Кольцо 1 шт., цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 9,04 гр., ч.в. 8,40 гр., 585 пр. | 3 817 500,00 |
| 71. | 5925 | Браслет 1 шт., о.в. 3,22 гр., ч.в. 3,22 гр., 585 пр. | 1 545 000,00 |
| 72. | 6037 | Серьги 1 пара о.в. 1,51 гр., ч.в. 1,51 гр., 585 пр.; кольца 2 шт., кулон 1 шт., о.в. 9,71 гр., ч.в. 9,71 гр., 750 | 6 696 000,00 |
| 73. | 6082 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,96 гр., ч.в. 1,96 гр., 585 пр. | 984 450,00 |
| 74. | 6088 | Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 6,99 гр., ч.в. 6,99 гр., 585 пр. | 3 363 000,00 |
| 75. | 6150 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 14,78 гр., ч.в. 14,30 гр., 585 пр. | 6 953 550,00 |
| 76. | 6165 | Цепи 2 шт., браслет 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 20,88 гр., ч.в. 20,78 гр., 585 пр. | 7 908 000,00 |
| 77. | 6171 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,41 гр., ч.в. 5,41 гр., 585 пр. | 2 605 500,00 |
| 78. | 6308 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,72 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 787 500,00 |
| 79. | 6340 | Цепь 1 шт., браслет 1 шт., кольцо 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 45,38 гр., ч.в. 45,30 гр., 585 пр. | 20 482 500,00 |
| 80. | 6432 | Кольца 3 шт., о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,30 гр., 585 пр. | 2 605 500,00 |
| 81. | 6440 | Цепь 1 шт., о.в. 4,21 гр., ч.в. 4,21 гр., 585 пр. | 1 999 500,00 |
| 82. | 6510 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,28 гр., ч.в. 2,58 гр., 585 пр. | 1 242 000,00 |
| 83. | 6585 | Кольцо 1 шт., серьга без пары 1 шт., о.в. 2,45 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 1 166 250,00 |
| 84. | 6607 | Кулон 1 шт., цепь 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 17,19 гр., ч.в. 16,19 гр., 585 пр. | 7 832 250,00 |
| 85. | 6621 | Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр., 585 пр. | 2 757 000,00 |
| 86. | 6769 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр. | 1 696 500,00 |
| 87. | 6792 | Браслет 1 шт., о.в. 3,26 гр., ч.в. 3,26 гр., 585 пр. | 1 545 000,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **378 897 861,19** |

Аукцион савдолар **2023 йил 24 январь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 20 январь куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2023 йил 24 январь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 7 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш 2022 йил 19 декабрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850,

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

